

## Асалхоннинг орзуси амалга ошди

Бағдод туманининг “Боғишамол” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Асалхон Маҳамаджонова 11-синфда ўқииди, дарсдан бўш вақтларида эса хорижий тилларни ўрганиш учун туман марказидаги ўқув курсларига қатнайди. Битирувчи эмасми, кўп мутолаа қиласи, қўшимча маълумотлар олиш учун пуллик компьютер хизматига иши тушади нуқул. Ўз сепингда бўлмаса, ўзганики эп бўлмас, дерди Асалхон. Туман ҳокими Юсуфжон Хусайнов куни кеча Асалхон яшайдиган ҳовлида меҳмон бўлди. Битирувчи қизнинг васийлари билан учрашди, ҳол-аҳвол сўради. - 2006 йилда дадасидан, кейинроқ онасидан ҳам айрилиб қолди неварам, - деди Маҳамаджон ота меҳмон билан сухбатда. - Ўшанда 4 ёшда эди Асалхон. З нафар қизимнинг қаторига қўшиб, Соҳибаҳон бувиси билан бу гўдакни катта қилдик. Кулса – кулдик, куюнса – куюндиник. Мана, энди улғайиб, дўхтири бўламан, деб астойдил ўқияпти. Насиб қилса, кўп яхши кунларини кўрамиз, деб ўтирибмиз-да. Сизнинг келганингиз – юрагимизга дармон, ярамизга малҳам бўлди, ҳоким болам. Минг раҳмат... Давлатимиз раҳбарининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан жорий этилган “Меҳр дафтари”га киритилган Асалхон шахсий компьютери бўлишини орзу қилиши ҳақида масъулларга айтган эди. Шунга кўра, унга ноутбук ажратилди ва васийларга топширилди. Р.С.: Хонадонга ташриф вақтида Асалхон репетиторлик курсида бўлгани сабабли, у билан кўришишнинг имкони бўлмаганди. Кўп ўтмай, унинг ўзи учун ажратилган ноутбук қаршисида илм билан машғул бўлиб тургани акс этган сурат етиб келди бизга. Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-11-09 15:22:09